

Ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йил январь-мартда ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 4522,3 млрд. сўмни ташкил этди ва 2016 йилнинг январь-мартига нисбатан ўсиш суръати 5,7 фоизга тенг бўлди.


2017 йил январь-март ойларида ЯҲМ дефлятор индекси 112,0 фоизни ташкил қилди.

Январь-март ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби қуйидагича ифодаланади:


	млрд.сўм		2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
	2016 йил	2017 йил	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	3820,0	4522,3	105,7
шу жумладан:			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	3467,0	4117,4	105,8
Маҳсулотларга соф солиқлар	353,0	404,9	105,4
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	3467,0	4117,4	105,8
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	236,3	279,8	106,7
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	1570,7	1900,4	104,4
саноат	1446,6	1764,7	104,7
қурилиш	124,1	135,7	101,5
Хизматлар	1660,0	1937,2	106,9
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	369,5	452,9	112,7
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	646,9	711,9	103,3
бошқа хизматлари	643,6	772,4	107,1

Январь-мартда ялпи худудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби (фоизда):

2016 й.



2017 й.



- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар

Жорий йилнинг январь-март ойларида вилоятнинг ялпи худудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (112,7%), жами хизматлар (106,9%) ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (106,7%) тармоқларидаги ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келмоқда.

ЯХМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 49,2 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2016 йил январь-мартга нисбатан 0,8 фоизли бандга ошди.

2017 йил январь-мартда ялпи худудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 47,0 фоиз (2016 йил январь-мартда 47,9 фоиз)ни ташкил қилди.